

Аҳмад Лутфий

# САОДАТ АСРИ ҚИССАЛАРИ

*Ойдинликлар сари*

2-китоб

## БУЮК МЎЪЖИЗА

Макка аҳли орасида мишмиш таркатилди: гўё Расулulloҳ Куръонни ўзлари ўйлаб чиқарган эмишлар, сўнгра Оллоҳ каломи деб одамларни йўлдан оздираётган эмишлар.

Бу гирт тухмат эди. У кишининг ёлгон гаиирмаётганларини мушриклар жуда яхши билишарди. Болаликларидан ҳаммининг кўзи ўнгида тўғрисўз, дуруст бир инсон бўлиб ўсган Расулulloҳнинг ўта андишали эканликларини кўп бор синашган эди. Куръон уйдирма бўлса, ўша заҳоти иссигида бу ишнинг тагига етиш мумкин эди. Чунончи, Оллоҳ таоло навбатдаги бир оятни тушириб бу масалани буткул ойдинлаштирди:

«Айтинг (Эй Мухаммад): «Қасамки, агар бор инсу жин мана шу Куръоннинг ўхшашини келтириш йўлида бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсаларда, унинг ўхшашини келтира олмаслар» (Ал-Исро сураси, 88.).

Набийи акрам (с.а.в.) инсонларга етказган илоҳий, мукаддас бир китоб бўлмиш Куръонни «уйдирма, инсон каломи» деганларга ҳақ ва адолат билан фурсат берилди. Унга ўхшаш бир каломни айтишнинг уддасидан чиксалар, тамом, шу билан Мухаммаднинг даъвоси ниҳоясига етар, мағлубиятга учрар эди.

«Оллоҳ каломидир», дея такдим этилаётган Куръон араб тилида, мушриклар эса, арабчанинг энг мукамал жиҳатларини ҳам чуқур биладиган, адабиётга зўр ҳавас билан қарайдиган қавмлардан эдилар. Шеър ўқишар, ўқиганда ҳам жуда мукамал, турганни югуртирадиган, югурганни тўхтатадиган, жанжал чиқаришга ёки жанжални тўхтатишга қодир шеърларни ўқир, ҳам наср йўлида, ҳам назм йўлида истаган адабий ифодани танқид қила олишар эди. Уларнинг орасида Дамашқдан то Ямангача донги кетган шоирлар бор эди. Уларга бир неча огиз ширин сўз ва мақтов айтилса ёки бир нечта қизил туя ваъда қилинса, кифоя, бу улкан муаммо тез ҳал бўлардиқўярди.

Абу Жаҳлга хушхабар жўнатилди. Агар Куръоннинг каломига ўхшаш бир сўз ё бир хитоб айтилса, бу масалага барҳам берилади, дейилди. Аммо бу хушхабар уни хурсанд қилиш ўрнига дамани ичига юттирди. Абу Суфён ҳам жим бўлиб қолди. Ахнас ибн Шарик ҳам бош эгди. «Мен сизларга Мухаммад ҳикоя қилаётган афсоналардан ҳам қизиқроқ масаллар айтиб беришим мумкин», деган Надр ибн Ҳорис ҳам гўёки огзига талқон солди.

«Инсу жинлар бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар ҳам, бу Куръонга ўхшаш каломни келтира олмаслар», дейилибдими, ажабо?! Ўҳў, шуюм иш бўптими, қани, кўрайликчи», дея энг шимариб, Куръондан ҳам гўзал насрий ё назмий асарни ўртага қўйган кишига ким нима ҳам дея олар эди?

Аммо бунга ҳеч ким журъат қилмади. Тогни ўрnidан қўзгатиш, уммонларни сузиб ўтиш балки мумкиндир, аммо бу илоҳий каломга ўхшашини яратиш кимсанинг қўлидан келмасди.

Шу тарика бундай мусобақага чорлов жавобсиз қолди. «Мана, Куръонга тенг келадиган

каломни мен баён этаман!» дейдиган бир мард топилмади.

Бу орада Фил сураси туширилди:

«(Эй Мухаммад,) Парвардигорингиз фил эгаларини қандай (халок) қилганини кўрмадингизми? У зот уларнинг (Қаъбатуллоҳни вайрон қилиш учун қўллаган барча) хийланайрангларини барбод қилмадими? У зот уларнинг устига сонолдан бўлган тошларни отадиган тўнтўн қушларни юбориб, уларни (қуртқумурскалар томонидан) чайнаб ташланган сомон каби (илматешик) қилиб юборди!»

Бу оятларни эшитганларнинг хаёлида бундан қирқ еттиқирқ саккиз йил муқаддам бўлиб ўтган фожиали воқеа қайта жонлангандай бўлди. Олтмиш минг кишилик жуда катта бир кўшиннинг бир неча дақиқадаёқ осмондан ёмғирдек ёққан майда тошлар билан маҳв этилиши, олдиларига солиб ҳайдаб келган филнинг Қаъба томонга юришдан чекиниши ва шунга ўхшаш гаройиб ҳодисалар...

Қубас ибн Ашйам ўша замонга оид хотирасини бундай баён этган эди:

«Онам мени орқасига оничиб олди. Абраха лашкари ер билан яксон бўлган жойга бордик. Филнинг сасиб кетган кўкимтир жасади мени шу қадар кўркувга солдики, ўшанда биз кўрган манзарани эсласам, ханузгача кўз олдимдан кетмайди».

Расулуллоҳдан аччиқ бир мағлубиятга учраган мушриклар бунинг аламини қандай олиш ҳақида тинимсиз бош котирдилар.

— Ибн Абу Кабша умр бўйи уринсак ҳам қўлимиздан келмайдиган бир ишга таклиф этиб, бизни шарманда-ю шармисор қилди. Энди биз ҳам унга қиёмат кунигача уриниб уддасидан чиқа олмайдиган бир ишни таклиф этайлик, шундагина уни мағлуб этамиз, — деган фикр ўртага ташланди. Ўша заҳоти турлитуман мулоҳазалар ёгила бошлади.

— Шошманглар, биродарлар. У шундай бир иш бўлиши керакки, ундан мушкулроқ бир ишни топиш мумкин бўлмасин. Ўрнига мана бундай қилсак бўларкан, дейилмасин.

Бу ҳам тўғри фикр эди. Бошлар эгилди. Зеҳнлар буткул шу муаммо билан банд бўлди.

— Дарахтни юргизсин...

— Сувни тескари томонга оқизсин...

Лекин бу таклифлар маъкул кўрилмади. Ниҳоят, Абу Жаҳл фикр билдирди:

— Ойни иккига бўлсин: бир бўлаги бир теналикнинг, иккинчи бўлаги бошқа теналикнинг устида чарақлаб турсин, сўнгра яна бирлаштириб, асл ҳолига қайтарсин, деди.

Бу ган ҳаммага маъкул бўлди, юзларда табассум балқиди. Ҳеч ким бундан зўрроқ таклифни кирита олмас эди. Кўкда чарақлаб турган, етишиш мумкин бўлмаган ойга ким ҳам ҳукмини ўтказа олади? Бу ҳатто тасаввур қилиб бўлмайдиган бир иш эди. Валид Абу Жаҳлга миннатдорона бокди:

— Офарин, ё Амр, ҳеч ким бундан мушкул, бундан қийинроқ бир ишни ўйлаб тона олмас эди, — деди.

— Бугунданок Ибн Абу Кабшанинг мағлубиятини кўриб тургандайман, — деди Умайя.

Утба эса:

— Агар бу сафар ҳам бизни мағлуб этса... — деяётган эди, Валид унинг сўзини бўлди:

— Йўғэ, эй Утба, бу сафар унинг мағлуб бўлишига ишонавер, — деди.

Сўнгра нигоҳларини Абу Жаҳлга қадади:

— Оббо чўчкаеи! — деди, кейин бошқаларга қараб давом этди: — Нақадар мугамбир одам эканини билсангиз эди.

Абу Жаҳл бу илтифотдан мамнун бўлиб кетди:

— Раҳмат сенга, амакижон, — деди.

Абу Лаҳаб ҳам Абу Жаҳлни қутлади:

— Унинг бемаъни, беҳуда даъвоси мана энди барбодбўладиган бўлди. Ва сен хошимийларга иснод келтирган бу найгамбарлик сафсата-сига барҳам берасан. Мен бошлиқ

барча ҳошимийлар бунинг учун сендан жуда миннатдор бўламиз, эй Амр! — деди.

Бу мажлис Маккадан саккиз чакиримча наридаги Мино деган жойда ўтказилди. Рисолат тахтининг охириги ва энг улуг султони жаноби пайгамбаримиз ҳам ўша куни Минода эдилар.

У зотни ўзлари тўпланган жойга таклиф этишлари колди, холос. Хабар жўнатилди, кўришмоқчи бўлганлари билдирилди.

Оллоҳнинг севиклиси (с.а.в.) таклифни қабул қилиб, уларнинг ёнига келдилар.

— Бизга пайгамбарлигинга доир очиқравшан далил керак, — дейишди.

— Нима хоҳлайсизлар?

— Ойни иккига бўл, деди Абу Жаҳл. Бир парчаси Абу Кубайс (Сафо) тепалиги, иккинчи бўлаги Қайкаон тепалиги устига келсин. Буни ҳамма кўрганидан сўнг бу икки парча яна бири-бирига ёпишсин. Агар ҳақиқатан пайгамбар бўлсанг, шуни қиласан, эплай олмасанг, ҳикоянг бу ерда тугайди.

Набийи акрам (с.а.в.):

— Майли, — дедилар.

— Оллоҳ таоло сизлар айтаётган ишни рўёбга чиқарса, нима бўлади? Менинг ҳақиқатан пайгамбар эканимга ишонасизларми?

— Албатта, — деди Амр ибн Хишом.

— Бўлмасам, парвардигоримдан шундай бўлишини тилайман.

Абу Жаҳл кўшиб кўйди: Шарти бор, бу таклифимиз бугун кечаси амалга ошиши керак, бошқа кун эмас...

Йиғилиш тугади. Расулуллоҳ бу ердан кетганларидан кейин Уқба ибн Абу Муойт андишаланди:

— Биз талаб қилган мўъжизани агар кўрсатса, имон келтирамиз, деб сўз бердинга, эй Амр!

— Агар ойни иккига бўлса, ҳақиқатан унга пайгамбар деб ишонамизми? — дея Умайя ҳам тараддудини изхор этди.

— Ҳеч қачон, ҳеч қачон! У биз талаб қилган нарсани бажара олмай адои тамом бўлади ва бу масала шу ерда ёпилади! — деб Абу Жаҳл ер тепинди ва сўзида давом этди: — Мино тупроқлари абадийдан галабамизнинг куйини ижро этгай. Биз унинг пайгамбарлигига асло ишонмаймиз!

Ҳар икки тарафни ҳам сабрсизлик, ҳаяжон қоплади. Мўмиилар Расулуллоҳга қилинган бу таклифни эшитгач, Оллоҳга сигина ва илтижо кила бошладилар:

— Оллоҳим, севикли пайгамбаримизга ёрдам бер!..

Ҳар бир нафасда шу дуо, ҳар одимда шу илтижо такрорланарди гўё. Тиллар сўзламас, дудоклар қимирламас, қалблар риёдан йироқ бир самимият ва ҳаяжонга йўгрилган бу илтижоларни тилга чиқармай турибоқ Роббул Олабийнга — юраклардаги жамики сиру асрордан хабардор Буюк Мавлога ҳавола этар эди.

Мушриклар байрамона кайфиятда. Бошлари ҳар вақтдагидан ҳам тик ва мағрур. Бир неча соат кейин қозонилажак буюк галабани ҳозирданок нишонлашаётган эди. Уларнинг назарида, тунда охириги ва огир зарба берилиб, Ибн Абу Кабшанинг ҳам, унинг йўлига кирганларнинг ҳам ҳисоб дафтарлари шу кеча ёпилғуси эди.

Мушриклар бир-бирларини табриклашарди:

— Бу гал Амр ибн Хишом жон жойидан ушлади лекин!..

— Бурчакка шундай сиқиб кўйдик, энди қўлдан қутулолмаслиги аниқ!..

Ва ҳоказо гапсўзлар...

\* \* \*

Шошқалоклик нималигишг билмайдиган қуёш ҳар кунгидай ўз вақтида ботди. Кун гирашира қорая бошлаганида шарқдан ҳафиф бир ойдинлик пайдо бўлди, сал ўтмай эндиэнди ўн тўрт кунни ошатган ой астасекин кўрина бошлади.

Одамларнинг калбини сўнгсиз ҳаяжон камраб олган, бу ҳаяжон тобора шиддатланиб борар эди. Нафас олишлар кийинлашди, юраклар бўғизларга тикилгудай бўлди.

—Мана, ой ҳам тугди.

—Тугиш ҳам гапми, одам баравар баландлади.

—Қараб тур, ҳозир кавмдошинг кўлига бир қилич оладида, ойни ўртасидан бўлиб ташлайди.

—Сўнгра иккала бўлагини икки томонга тепиб юборади. Қарабсанки, бири бу тарафга, иккинчиси анави томонга қараб думалайди. Сўнгра бир хуштак чалиб, келинлар, арслонларим, деса, яна чопқиллаб келишади...

Кесатиклар кетидан қаҳқаҳалар...

Абу Жаҳл, Абу Суфён, Абу Лаҳаб, Валид, Надр каби ашаддий кофирлар бир жойда туришолмас, у ёқданбу ёққа бориб келишар, атрофдаги гапсўзларга пинҳона қулоқ тутишар эди.

Кўкда битта ҳам булут парчаси кўринмайди. Куёш ботиши билан юлдузлар биринсирин кўрина бошлаб, беҳисоб даражага етди. Гўёки улар ҳам имон билан куфр ўртасидаги бу курашни томоша қилишга чиққандай эди.

Ой ҳар доимгидай сокин. Бир оздан сўнг унинг устида қилинажак мислсиз беллашувдан беҳабар. Муҳташам, аммо ёрқин сиймоси билан дунёни зимистон қоронгилигидан қутқараётганидан бахтиёр. Неча мингминг йиллардан буён Оллоҳнинг амрига бўйинсуниб, яхшиёмон милёнлаб инсонга замон ўтаётганидан дарак бериб келар, баъзан нозик бир ҳилол, баъзан юмалоқ баркаш шаклида кўриниб, куёш ботгач зимистон қоронғуликка мубтало бўлган кишиларга йўл кўрсатар эди.

Илк инсон яратилганидан буён давом этаётган имон ва куфр мужодаласини, юлдузлар каби у ҳам кўкдан томоша қилиб келган, исёнчи, зулмкор, ҳақсиз, инсонийлик чегарасидан ошиб, буюк Оллоҳга қарши гумроҳлик қилган кўнлаб қавмларнинг ер билан яксон этилишига шоҳид бўлган эди. Сувга чўктирилди, тўфонда ҳалок қилинди, шиддатли зилзилалар вужудга келтирилиб, ерга юттирилди — буларнинг ҳаммасини кўрди. У қавмларнинг ҳар бири найгамбарларидан мўъжиза кўрсатишни талаб этган, шунда ҳам ишонмаган, оқибатда бошларига балони сотиб олган эдилар.

Аммо... ойни иккига бўлишни талаб қилиш ўтган умматлардан ҳеч бирининг хаёлига ҳам келмаган эди.

\* \* \*

Расулulloҳ (с.а.в.) Роббул Олабийнинг чексиз раҳмат ва марҳаматига, бениҳоя қарам ва эҳсонига суян

дилар. Сўнгра мислсиз бир итоатгўйлик ила натижани кута бошладилар. Ўзларини найгамбар қилиб жўнатган буюк Оллоҳ, албатта, ёрдамсиз қолдирмайди; албатта, мушриклар олдида суюкли расулини уялтириб кўймайди.

Атрофда анчамунча чоратадбирлар кўриб қўйилган, мушриклар галаба қозонганларига юз фоиз ишониб қолган эдилар. Гўё бир оздан сўнг Мухаммад ибн Абдуллоҳ «Мен таслим бўлдим, найгамбарлик даъвоимдан воз кечдим», дейдию улар мусулмонларга қарши ҳаракатга ўтишади, уларга аччиқ сабоқ беришади...

Бу орада ой анчагина юксалиб қолди. Шу вақт... кўриб турган кўзлар ҳам ишонмайдиган ҳодиса рўй берди: ой ҳақиқатан иккига бўлинди. Орасига ничоқ қирадиган даражада ёриқ найдо бўлди. Абу Жаҳл шошиб қолди:

—Надр!.. Надр!.. — дея бақирди.

—Нима дейсан, Худо ургур!

—Кўрясанми шуни?

Надр жони азоб ичида, зўрга жавоб берди:

— Кўр эмасман, кўриб турибман.

Қайтакайта тикилиб, ҳеч ишонгилари келмайди. Ойнинг икки парчаси борган сайин бир-бирдан узоклашаётганининг гувоҳи бўлдилар. Энди инкор этишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Мушрикларнинг юраклари кинидан чикиб кетганидан нима қилишларини билмай қолишди.

Ниҳоят, ойнинг бир парчаси Абу Қубайс, иккинчи парчаси қарши томондаги Қайқаон тепаликларининг устига бориб турди. Шунда Пайгамбар алайҳиссалом ёнларигагиларга:

— Шохид бўлинглар, — дедилар. Кейин икки кишига алоҳида хитоб қилдилар: — Эй Абу Салама ибн Абул Асад, эй Арқам ибн Абул Арқам, шохид бўлинглар!

Кейин ойнинг икки парчаси бир-бирига яқинлаша бошлади. Ниҳоят, бир одимлик, бир қаричлик масофа қолди. Орасига зўрга бир пичоқ сигагидан даражада ёриқ хиёл миқдор турди, сўнг у ҳам йўқ бўлди.

Ой бир муддат бемисл жанг майдонига айланган, энди асл холига қайтиб, яна аввалгидай сокинлик ва салобат касб этган эди.

Расулulloҳ (с.а.в.) уларга ваъдаларини эслатиб, имон келтиришни таклиф қилдилар, бироқ фойдаси бўлмади.

\* \* \*

Зўр бир галабани кутган эдилар, узилкесил мағлубиятга учрадилар, бу ҳол мушрикларни саросимага солиб кўйди. Саросимадан биринчи бўлиб Абу Жаҳл қутулгандай бўлди:

— Мухаммаднинг сеҳрини кўрдинглар, мукаммал сеҳр қилди, бу енгиб бўлмайдиган сеҳрдир!.. — У овози борича бақирар, шаллақилиқдан бошқа йўл тутишнинг иложи қолмаган эди унга. — Ой ёрилди деган гап беҳуда, у кўзларингизни бўяди, сеҳрлаб кўйди, бўлмаган ишни бўлгандай қилиб кўрсатди.

Натижа қандай бўларкан, дея таҳликада турган мўминлар ҳам рўй берган ходисадан дабдуруст ўзларига келолмадилар. Ҳеч ким: «Сен имон келтираман деб сўз берган эдинг, дарров имон келтир, аксинча...» дейдиган ҳолда эмасди.

Абу Жаҳл пайгамбаримизнинг қаршиларига чикиб:

— Сен зўр сеҳргар экансан. Фавқуллода сеҳр қилдинг. Кўзларимизни боғладинг. Бўлмаган нарсани бўлгандек кўрсатдинг. Лот ва Уззога минг бора қасам ичаманки, дунёда сендан ҳам зўрроқ кўзбўямачи йўқ. Аммо бир кечақун ўтсин, бизни лаққилатганинг ва ёлгончилигинг ўшанда фош бўлади. Бизни сеҳрлагандирсан, лекин олисдагиларнинг кўзларини бўяй олмайсан. Шаҳар таш қарисидан келагидан одамлардан суриштирамиз, сиринг очилади кўяди.

\* \* \*

Ниҳоят бир карвон келди. Ҳолаҳвол сўрашилгач, ойнинг ёрилгани ҳақида гап очилди. Абу Жаҳл:

— Мухаммад ибн Абдуллоҳ бизнинг кўзларимизни шамгалат қилди, шунинг учун сизларни нойлаб турган эдик. Йўлда бирон антиқа ҳодисани кўрган-кўрмаганларингизни билмоқчимиз, — деди.

Сўрашга сўрадилару... сўраганларига пушаймон бўлдилар. Чунки карвондагилар ҳам йўлда худда шундай бир ходисанинг шохиди бўлган эдилар. Бирлари олиб бирлари қўйиб ойнинг иккига бўлингани воқеасини бутун тафсилоти билан ҳикоя қилиб бердилар. Абу Жаҳлни гўё ничоқсиз сўйдилар. У шўрлик руҳан эзилди, наришон бўлди. Бир тоғни бир жойдан иккинчи жойга кўчирса ҳам, бунчалик ҳолдан тоймас эди балки. У бошқача жавобни кутган, мусофирлар у ходисани кўрмадик

десалар, бориб Расулulloҳни армони чиққунча сўкмоқчи эди. Ночорноилож:

— Бир сеҳр бу, мислсиз сеҳрдан бўлак нарса эмас! — дейишдан нарига ўтолмади.

\* \* \*

Бу орада фаришта Жаброил Расулulloҳга (с.а.в.) Жаноби Ҳақнинг саломини келтирди, ушбу ходисаларга алоқадор қуйидаги оятларни у зотнинг қалбларига муҳрлади:

«(Қиёмат) соати яқинлашиб қолди ва ой ҳам иккига бўлинди. У (мушрик)лар бир мўъжиза кўрсалар, ундан юз ўгирадилар ва: «Бу ҳар доимги сеҳр-ку!» дейдилар. Улар (пайгамбарни) ёлгончи қилдилар ва ҳавоий нафсларига эргашдилар. Ҳар бир иш жойини топгусидир (яъни, гарчи кофирлар юз ўгирсаларда, бу ҳақ дин ер юзида қарор топади). Ҳолбуки, уларга (илгари ўтган кофирларнинг) хабарларидан иборат бир нарса — етук ҳикмат келдики, унда (куфру залолатдан) тийилиш (лозим эканини уқтирувчи иборатлар) бор эди. (Лекин улар ўзларининг куфрларидан тийилмадилар). Бас, (уларга ҳеч қандай) огоҳлантириш фойда бермас. (Эй Муҳаммад,) энди сиз улардан юз ўгилинг!» (Қамар сураси 1-6 оятлар.)

## ҒАРАЗЛИ ИСТАКЛАР

Орадан кунлар ўтди. Расулulloҳга (с.а.в.) мушриклардан яна бир таклиф келди. «Кел, бир масала юзасидан суҳбатлашиб олайлик», дейишган эди улар.

Борсалар, мушрикларнинг машҳур бошлиқлари кутиб олишди.

Расулulloҳ (с.а.в.) оянинг иккига бўлиниши ҳодисасининг нечоғлик ҳақ эканини аниқлаш учун бу мушриклар ёнатрофдан шу хусусда сўрабсуриштирганларини билардилар ва энди ҳақиқатни тан олишган бўлса керак, деб ўйладилар. Аммо мутлақо бошқача вазиятнинг устидан чиқдилар.

— Сени бу ерга чақиришимизнинг боиси, энди сен биздан узр сўрашинг керак, эй Муҳаммад. Тўғри, сени тугилганингдан бери таниймиз. Покиза, ҳалол яшаганингни биламиз. Шунинг учун ҳам сенга «Амин» (ишончли) лақабини бердик. Аммо охиरोқибатда сен ҳеч ким бил майдиган бир динни ўртага чиқардинг. Бизнинг динимизни ва бутларимизни айбладинг. Ақли жойида бўлган қанчақанча кишиларимизни аҳмоққа чиқардинг. Жамоаларни тарқатдинг, отани боладан ажратдинг. Орамизда юзага келган зиддиятларга биз эмас, сен айбдорсан...

Шундан кейин бир найтлар Утба қилган таклиф ва ваъдаларни эслатишди. Буниси энди ўтакетган юзсизлик эди. Ўзларини шундай тутишардики, ой ҳодисасида худди Расулulloҳ эмас, улар голиб келгандай; ган оҳанглирида ҳам дағдага, дўқ-нўниса...

— Сизлар ваъда қилаётган нарсаларнинг биронтаси менда йўқ, лекин мол-мулкингизга эғалик қилиш, шараф соҳиби бўлиш, салтанат суриш каби ниятим ҳам йўқ. Оллоҳ таоло мени сизларга найгамбар қилиб жўнатди, муқаддас китобини туширди. Сизларга неъмат ва магфиратдан, азобдан хабар етказувчи бўлишимни буюрди. Мен сизларга Раббимизнинг рисолатини етказдим, сизларга самимий муносабатда бўлдим... Мен Раббимнинг рисолатини таблиғ этаётирман ва сизларга яхшилиқни раво кўряман. Агар мен олиб келган бу динни қабул этсангизлар, дунё ва охиратда энг улуг шарафни, насибани қўлга киритган бўласизлар. Агар макбул кўрмасангиз, сизлар билан менинг орамизда Оллоҳ ҳукм бергунга қадар сабр қиламан.

Расулulloҳ (с.а.в.) сўзларини тинглаб ўтирганлардан бири:

— Ё Муҳаммад! Сен айтган нарсаларни қабул эта олмаймиз. Ўзингга ҳам маълумки, юртимиз тор. Тирикчилигимиз танг аҳволда. Парвардигорингдан сўра, шу тоғларни ўртадан олиб, юртимизни кенгайтурсин. Шому Ироқдаги сойлар каби ариқлар оқизиб қўйсин, тўқлик фаровонликка эришайлик. Ўтган боболаримизни тирилтириб берсин, хусусан, Қусайй ибн Килобни. Яхши чол эди. Ундан сенинг дининг ҳақида ҳақми ё ботилми эканини сўрашимиз керак. Агар истакларимизни бажарсанг, Қусайй ҳам динингни ҳақ деса, барчамиз сени тасдиқлайлик, агар ботил деса, сени ёлгончи деб билайлик.

Бу сўзларнинг бари бемаъни ва беҳуда эди. Ҳақиқатни изловчи инсонга ярашмайдиган сўзлар.

Уларнинг талаблари қондирилган тақдирда ҳам имон келтирадиларми ?

Пайгамбар инсонларга мўъжиза кўрсатиш учун юборилмайди. Аммо инсонлар улардан найгамбар эканлигига ҳужжат талаб қилсалар, албатта бажаришлари керак

ва пайгамбарликларини исботлашлари лозим. Бундай мўъжиза мукамал шаклда, хамминг кўзи ўнгида, ҳеч ким эътироз билдира олмайдиган тарзда кўрсатилди. Шундай экан, қайтақайта мўъжиза исташ мазах қилиш эмасми? Бундан мақсадлари нима?

—Менинг вазифам бу эмас, — дедилар Жанобимиз. — Менинг вазифам инсонларга ҳақ динни таблиғ этишдир. Қабул қилсангизлар, дунё ва охирада энг буюк насибани кўлга киритган бўласизлар. Қабул этмасаларингиз, сизлар билан орамда Оллоҳ ўз ҳукмини бергунча сабр этаман, унинг шарафли буйругини бажаришга гайрат қиламан.

—Бу талабимизни бажаришдан бош тортдинг, у ҳолда парвардигорингдан сўра, пайгамбарлигингни тасдиқлайдиган бир фаришта юборсин. У фаришта сени биздан кўриқласин. Бу фаришта бизга олтиндан, қумушдан саройлар, боғлар қуриб берсин, биз ҳам сенга бу ишингда ёрдам берайлик.

— Сизлар сўраётган ишлар менинг зиммамда эмас. Парвардигорим мендан буларни сўрамайди, мени бундай ишларга вазифадор қилмаган. Мен сизларга Оллоҳнинг неъматлари ҳақида мужда етказувчи, азобидан огоҳ этувчи бир элчиман.

— Хўп, парвардигорим истаса, қилади, деяпсан, кани, осмонни устимизга парчапарча қилиб тушир, агар бу ишни адо этмасанг, асло пайгамбарлигингга ишонмаймиз.

—Бу Оллоҳнинг иши, хоҳласа қилади. Гап чўзилиб, мазах тусини олди.

—Оллоҳни ва фаришталарни чақир, кўрайлик!..

—Осмонга чиқ!..

—Юлдузлардан бир қаср қурдир!.. — каби куракда турмайдиган талабларни кўя бошлашди. Иш жиддийлик чегарасидан чиқиб кетгач, Расулulloҳ уларнинг олдидан кетдилар. Амалари Отиканинг ўгли Абдуллоҳ ибн Абу Умаййа ул зотнинг орқаларидан эргашди.

Ё Муҳаммад, қавминг сенга шунча таклиф этди, Қабул этмадинг. Сўнгра токи Оллоҳ ҳузурдаги даражангни билиш учун ўзларига айрим нарсаларни сўрадилар, уларни ҳам қила олмадинг. Ваъда қилган азобингни Ҳозирок келтиришингни сўрадилар, кўлингдан келмади. Қасамлар бўлсинки, сенга мутлақо ишонмаймиз. Ҳатто кўк токига бир нарвон қўйиб, кўз ўнгимизда у ерга чиксанг ва ёзув ёзилган бир саҳифа олиб келсанг, сен билан бирга тўртта фаришта ҳам сенинг пайгамбар эканлигингга шохидлик қилиш учун келсалар, онт ичамизки, шунда ҳам сенга ишонмаймиз, сени тасдиқ этмаймиз!

Расулulloҳ (с.а.в.) ҳеч нарса демадилар. Дейишларига ҳожат ҳам йўқ эди. «Шунча ишларни қилсанг ҳам, барибир ишонмайман», деб турган одамларга нимани ҳам уқтириб бўларди?! Булар шунчалик ифлос, гаразгўй эдиларки...

Расулulloҳ (с.а.в.) уйга гамгин қайтдилар. Халқини жаҳолатдан саодатга даъват этган, аммо эвазига фақат душманона муомала кўрган, ноҳақ ҳақоратга учраган, мазах қилинган инсон, албатта, хафа бўладида.

Аммо ваҳий фариштаси Жаброил (а.с.) набийлар макомининг Султонини кутаётган, мушриклар билан бўлган учрашув маънавият оламидан кузатилиб турганини билдирувчи ва таскинбахш оятларни бу зоти шарифнинг нокиза қалбларига ёзиш учун келган эди:

«Ва дедилар: «Токи бизлар учун мана шу ерни ёриб, бир чашма чиқариб бермасанг, биз сенга ҳаргиз имон келтирмаймиз. Ё сенинг хурмозор, узумзор богинг бўлиб, унинг ўртасидан ёриб дарёлар найдо қилмасанг; ёки ўзинг даъво қилганингдек, осмонни устимизга парчапарча қилиб туширмагунигача; ёки Оллоҳ ва фаришталарни олдимизга келтирмагунигача; ёки сенинг олтиндан бир уйинг бўлмагунигача; ёхуд ўзинг (кўз олдимизда) осмонга кўтарилмагунигача, (ҳаргиз сенга имон келтирмаймиз). Токи бизларга ўқийдиган бирон китоб туширмас экансан, бу (осмонга) кўтарилишингга ҳам ҳаргиз ишонмаймиз». Айтинг: «Эй пок Парвардигорим, мен фақат элчипайгамбар бир одам эдимку!» Одамларга ҳидоят келган пайтида, фақат: «Оллоҳ (фаришталарни эмас, балки) одамзотни пайгамбар қилиб юборибдими?!» деган сўзларигина уларни имон келтиришларидан тўсди. Айтинг: «Агар бу Ерда (одамлар эмас, балки)

фаришталар маскан тутиб юргаиларида эди, албатта, биз (яъни, Оллоҳ) уларга осмондан фаришта пайгамбарни туширган бўлур эдик». Айтинг: «Мен билан сизларнинг ўртамизда Оллоҳнинг ўзи етарли гувоҳдир. Албатта, у бандаларидан огоҳ ва (уларни) кўриб тургувчи зотдир». (Ал-Исро, 90-96.)

Ҳар келишида алоҳида бир жозиба ва алоҳида бир бадеъ услубда келувчи Қуръон оятлари одамларни ҳар

гал янги бир таъсирчанлик ила ларзага солар, ўхшашини келтира олмасликларини ҳар гал уларнинг онгига янада мустаҳкам қилиб муҳрлар эди.

Мушриклар енгилишини билатуриб қайтақайта майдонга тушаверадиган ва ботбот маглубиятга учрайдиган аянчли «полвон»га ўхшашарди. Маглубият аламини бирор юз марта тортган бўлишса ҳам, лекин ҳануз тавба қилишмаган эди. Кошки Қуръон бир тушишда ҳаммаси бирдан туширилсайди, дейишарди.

\*\*\*

Абу Лаҳабнинг ўгилларидан Утайба бир купи Расулulloҳнинг (с.а.в.) Қуръон ўқиб ўтирганлари устидан чиқиб қолди. Юзга тупургандек бир бадбахтлик қилиб ўтди. Кетидан «Оллоҳим, жоноварларингдан бирини унинг бошига бало қил», дуоси Жаноби Ҳаққа йўналди. Утайба жигаридан тутилганини ҳис қила, узоқлашди.

\*\*\*

Бир куни Тулайб уйига ажиб бир ҳолатда кириб келди.

— Нима бўлди, ўглим?

— Тоғамнинг ўгли келтирган динга кирдим, онажон! — деди Тулайб севинчи ичига сигмай.

— Яхши қилибсан, болам. Уни доим қўллабқувватяш сенинг вазифангдир, — деди она.

У найгамбаримизнинг аммалари Арво эди.

Муҳтарам ўқувчиларимизнинг ёдида бўлса, Тулайб илгари найгамбаримизнинг эшиклари остонасига нажосат тўкмоқчи бўлган Уқба ибн Абу Муойтнинг таъзирини берган эди...

— Сиз нега жиянингизни қўллабқувватламаянсиз, онажон, нега унинг динига кирмаянсиз? Акангиз Ҳамза ҳам мусулмон бўлибди, — деди Тулайб.

Бу хусусда кўн ганиришга эҳтиёж қолмади. Она шаҳодат калимасини айтиб, жиянининг найгамбарлигини тасдиқлади. Кетидан синглиси, яъни, найгамбаримизнинг яна бир аммалари Софийа ҳам Ислоҳ динини қабул қилди.

## ДУО ҚАБУЛ ЭТИЛДИ

(Ҳазрати Умар)

— Абу Толибга қилган мурожаатлар жавобсиз қолди, дўстлар! — деди Валид ибн Мугийра.

Абу Жаҳл уни қўллабқувватлади:

— Жавобсиз қолмади, бизни яхшигина авради, — деди. — «Уни менга қўйиб беринглар», деб жиянининг бошини силади.

Валид ибн Мугийра сўзида давом этди:

— Бу ишнинг нақадар жиддийлигини унутмайлик. Ўз вақтида чорасини кўрмаганимиз учун, мана, пушаймон бўлиб ўтирибмиз. Кўриб турибсизларки, у кундан кун кучайиб бормоқда, қўлида мудҳиш яроги бор... Шоирларимизни, энг зўр нотикхатибларимизни ҳам доғда қолдирди. Бунинг устига, у жуда кучли сеҳргар бўлса. Кўрдингиз, осмондаги ойга ҳам ҳукмини ўтказди: уни иккига бўлди. Хуллас, бу иш қанча чўзилса, шунча зарар.

Абу Жаҳлга қолса, масалани шартта-шуртта ҳал қилиб қўяқолса.

— Бу ишни ким тез ва усталик билан удраласа, юз туя ҳадя этилади, — дея эълон қилди. Мажлис аҳлига бирмабир нигоҳ ташлаб чикдида: — Яъни, ўлдирган кишига, демокчиман, —



деб қўшиб қўйди.

Аммо негадир ҳеч ким бирданига юзта туялик бўлиб қолишни истамади. Чунки бу ишнинг оқибатини ҳамма биларди. Ахир, ҳошимийлар: «Нима ҳам қилардик, тақдир эканда...» деб индамай кетавермайдилар.

— Хўш, юз туяга даъвогар йўқми ораларингда?!

— Шунчалар осон бўлса, марҳамат, ўзинг урдалаб қўяқол! Юзта туянг бегона ҳам бўлмайди, — дейишди.

Абу Жаҳл бу мантиқий эътироз ва таклифга жавоб бермасликни афзал кўрди. Лекин пешонасида совуқ тер томчилари пайдо бўлди.

Яна бир муддат орада жимлик ҳукм сурди.

— Бу ишни Хаттобнинг ўглидан бошқа ҳеч ким эплай олмайди!

Нигоҳлар момақалдиروقдек туйқус янграган бу овоз эгасига томон ўгирилди. Қаршиларида мардонавор чехрали, кўзлари жасуруна боқувчи бир йигит турарди. Жасорат ва матонат, кучқудрат тимсоли, кўрқув нималигини билмайдиган йигит... Агар шамолдек тез, бўроидек шиддатли руҳият соҳибига ёдгорлик ўриятиш лозим бўлса, том маъиода эиг муносиб инсои Умар иби Хаттоб эди.

Бирдаи ҳамма тилга кирди:

— Ҳа, жуда тўғри, бу иш фақат Умар иби Хаттобнинг қўлидан келади, — деб бидирлаб кетишди.

Дарҳақиқат, бу гапларда жон бор эди. Чунки уни йиллар давомида синайсинай, жуда яхши билиб олган эдилар. Умар деганда, хаёлларда «тутган жойидан кесадиған довюрақ ва мард йигит» жонланар эди.

Сўзларида риёкорлик йўқ, аммо уни гижгижлаш учун яна бир нималар дейишлари ҳам мумкин эди.

Умар ўрнидан турди, шаҳдам қадамлар билан уйига қараб йўл олди.

Ҳаббоб иби Аратт Расулulloҳ (с.а.в.) ҳузурларида шахсан у зотнинг муборак тилларидан эшитиб ёд олган Қуръон оятларини атрофдагиларга етказиб ўргата бошлади.

Ўша кунларда Тоҳа сураси тушган бўлиб, бир неча оятини терн нарчасига ёзиб олган, самимий оилавий дўсти бўлмиш Саид иби Зайднинг уйига бориб, уларга ўргатишга киришган эди.

\* \* \*

Нуайм иби Абдуллоҳ йўлда Умар иби Хаттобни учратди. У рўнарадан келарди. Қўллари қиличининг қинида, қадамлари шаҳдам. Титраб кетди.

— Йўл бўлсин, ё Умар?! — деди бир шумликни сезиб.

Умар кўзларидан учқун сачратиб, Нуаймга боқди ва мағрур бир оҳангда:

— Муҳаммадни ўлдиришга кетяман! — деди.

Нуайм бошидан кайноқ сув қуйилгандай сесканди.

Қалбига кирган титроқ тиззаларинида қалтирата бошлади.

— Муҳаммад ибн Абдуллоҳни айтянсанми?..

— Худди шундай.

— Нега энди?

— Нега бўларди? У отабоболарининг динидан юз ўгирди, маъбудларимизга тил теккизди, ақлли биродаларимизни аҳмоқликда айблади, Қурайшлар жамоасини тўзитиб юборди.

— Сен бу ишнинг урдасидан чиқолмайсан, ё Умар!

— Нега энлай олмас эканман?

— Нега деганда, агар бу ишни қилсанг, Бани Абдуманноф сени соғ қўймайди.

Умарнинг кўзларидан яна учқунлар сачрай бошлади. Дабдуруст қиличининг дастасига ёпишди ва:

— Тагин сен ҳам унинг йўлига кирганлардан бўлмагин?! — деди дагдага билан.

Нуайм кўркиб кетди. Беихтиёр:

— Сен олдин ўзингнинг оилангдагиларни тийиб ол, кейин менга дагдага киласан, — деб юборди.

Умар эсанкиради:

— Менинг оиламга нима қилибди?

— Синглинг Фотима билан куёвинг Саид...

— Ийй, демак?..

— Ҳа, улар ҳам мусулмон бўлишган.

Умар бир зум лом-мим деёлмай қолди, сўнгра катъий қарорга келгандай:

— Дастлаб уларнинг таъзирини бераман! — деди.

Умар Саиднинг уйига яқинлашганида, ичкаридан аллақандай оҳангли овозларни эшитди.

Яқинроқ келиб, қулогини динг килди.

Бу бир бегона овоз эди.

Эшикни зарб билан тақиллатди.

Уйдагилар саросимага тушдилар. Фотима эшик томонга югурди. Очганида, акаси Умарга рўбарў келди.

— Хуш келибсан, акажон...

Умар ичкарига кирди, ёнатрофига аланглади.

— Ташқаридан эшитганим овозлар қанака овоз эди?

— Ўзаро ганлашиб ўтирувдик. Бошқа нима ҳам бўларди...

— Иккалангиз ҳам Муҳаммаднинг динига кирган эмишсиз. Агар шу ган рост бўлса, мендан хафа бўлманглар.

Саид Умарнинг сўзларини кесди:

— Ё Умар, ҳақ диннинг нима эканини билиш найти келмадимикан?.. Бутларга топиниш нодонлик эканини наҳотки тушунмасанг?

Бемаънилик... Умарга бундай дейишга Саиднинг қандай ҳадди сигди экан?! Дарҳол унга ўгирилди, қулочкашлаб бир мушт урдида, ерга қулатди. Устига миниб олди. Фотима эрига ёрдам учун Умарни орқага тортган эди, у ҳам бир тарсаки еди. Бу тарсаки унинг юзларидан қон тирқиратди. Довдираб қолган Фотима бир мунча муддат жим қолди. Сўнгра Умарнинг қаршисига кўндаланг бўлди. Унинг томирларида ҳам Хаттобнинг қони оқар эди. Бир эмас, бир неча аёлга етиб ортадиган даражада жасоратли эди.

— Ҳа, ҳа, ё Умар, шуни яхши билгинки, биз ҳам мусулмон бўлдик. Ҳақ йўлга, саодат йўлига кирдик. Бутларга қул бўлишдан қутулдик. Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва росулуҳ, — деди.

Фотиманинг юзидан оқиб кўксигача тушаётган қон... тарсаки зарбидан таниб бўлмайдиган аҳволга келган чехра... устигаустак, она арслон қаби ҳайқирган овоз — булар Умарга қаттиқ таъсир қилди, уни ларзага солди. Бир аёлни, қолаверса, жондан азиз синглисини аямай уриши тўғримиди?..

Саиднинг устидан турди. Чайқалиб бориб, бир бурчака ўтирди.

— Ҳалиги ўқиётган нарсаларингни бер, бир кўрайин, — деди. Овози ўзгарган, шашти анча насайган эди.

— Йўқ, — деди Фотима, — бунинг ҳеч ҳам иложи йўқ.

— Нега?

— Чунки уни йиртиб ташлайсан.

— Қайтариб бераман.

— Ишонмайман.

Умар бирдан туриб кетди.

—Умарнинг сўзи сўздир, эй Фотима! Макка атрофларида ҳали ҳеч ким Умар сўзидан кайтганини кўрган эмас. Отамнинг бошини ўртага қўйиб қасам ичаманки, Умар сўзидан кайтмас! Қани, энди бу ёкка олиб келчи, ўша ўкиганларингни бир кўрай.

—Лекин у Оллоҳнинг каломи ёзилган топтоза саҳифадир. Сен эса мушриксан. Ҳеч бўлмаса, бир дафъа ювиниб кел.

Умар бу таклифга рози бўлди. Юз-қўлини ювди, кайтиб келиб ўтирди. Фотима беркитган тери парчасини олиб, Умарга узатди.

«То, ҳа. (Эй Муҳаммад,) Биз сенга бу Қуръонни кийналиб жафо чекишинг учун эмас, балки (Оллоҳдан) кўркадиган кишиларга панднасихат бўлсин учун нозил қилдик. (У) ерни ва юксак осмонларни яратган зот томонидан нозил қилингандир. (У зот) Ўз аршини эгаллаган Раҳмондир. Осмонлардаги, ердаги ва уларнинг орасидаги ҳамда тупрок остидаги бор нарса Унингдир» (Тоҳа, 1-16.)

Умар шу ергача ўкиди, бошини кўтармай, мингирлади:

— Жуда гаройибку... Демак, бизнинг бу тангриларимизнинг ҳеч канака кадри йўқ эканда?..

Бир муддат хаёлга чўмиб қолди, сўнгра яна ўқишда давом этди:

«Агар сен ошқора ганирсанг ҳам (ва ёки хуфёна ганирсанг ҳам, У зотга баробардир). Зеро, У сирин ҳам, энг махфий нарсаларни ҳам билур. Оллоҳдан ўзга (ҳеч қандай) тангри йўқ. Фақат Унинг Ўзи бордир. Унинг учун энг гўзал исмлар бордир» (Тоҳа, 1-16.)

Умар яна тўхтади, яна фикрга толди. Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ бўлса, у ҳолда Лот ким, Уззо ким, Хубал кимдир?.. Улар илоҳ эмасми?..

Бу фикр унинг миясидан яшин тезлигида ўтди. Аммо етук бир нотик, мукамал бир адиб бўлган Умар энди ўзи ўқиётган илоҳий каломга бутунлай берилган эди:

«Сенга Мусо ҳақидаги хабар келдими? Эсла, у (узокдан) бир оловни кўриб, аҳли оиласига: «(Шу ерда) туринглар, мен бир олов кўриб қолдим, шоядқи сизларга ундан бирон чўг олиб келсам ёки шу ўт олдидан бирон йўл (кўрсатувчи) тонсам», деди. Бас, қачонки у (оловнинг яқинига) келгач, «Эй Мусо», деган нидо эшитилди: «Мен сенинг Парвардигорингман. Энди қавушларингни ечгин. Чунки сен муқаддас Туво водийсидасан. Мен сени (найгамбарликка) танладим. Бас, (ўзингга) юбориладиган ваҳийга қулок тут! Дарҳақиқат, Мен Оллоҳдирман. (Ҳеч қандай) илоҳ йўқ, фақат Мен бордирман. Бас, сен Менгагина қуллик қил ва Мени зикр этиш учун намозни тўқис адо эт! Токи ҳар бир жон қиладиган сайъҳаракати сабабли жазоланиши учун (киёмат) соати албатта келгувчидир. (Лекин) Мен (киёмат қачон қойим бўлишини) яширишни истайман. Бас, сени (киёматга) ишонмайдиган ва ҳавойи нафсига эргашган кимсалар ундан тўсмасинларки, у ҳолда ҳалок бўлурсан...» (Тоҳа, 1-16.)

Фотима билан Саид кўркув ичида Умарни кузатиб турардилар. Орасира унинг зўр ҳайрат ила бошини сараксарак қилаётганини кўрдилар.

Бу орада Ҳаббоб ҳам бир жойга беркиниб олганича, нафасини ютиб, натижани кутар, «Оллоҳим, Ҳабиби акрамингнинг дуосини қабул эт», дея тинмай ёлворар эди. Ҳозир бир жихатдан унинг ҳаётмамот масаласи ҳал бўлаётган эди. Чунки агар иш чаннасига кетгудай бўлса, Умар уни ҳам соғ қўймаслиги аниқ эди... Ниҳоят Умар бошини кўтарди:

— Ўта жозибали, таъсирчан калом экан бу, — деди.

Шу биргина жумла такапука бўлиб турган юраклар

га ором багишлади. Кўнгиллар тинчланди. Эркин нафас ола бошлашди.

Ҳаббоб яшириниб турган жойидан чикди.

— Ё Умар, фикримча, Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобларининг дуолари қабул бўлганга ўхшайди. Чунки у зотни: «Оллоҳим, бу динга Умар ёхуд Амр билан қувват бер!» дея дуо қилаётган ҳолатларида кўрган найтларим бўлган, — деди.

— Оллоҳнинг расули ҳозир қаерда? Фотима жавоб берди:

— Агар бирон ишқал чиқармасликка сўз берсанг, айтамыз.

— Қасам ичаман, унга ҳеч қандай ёмонлик қилмайман!

— Жуда соз, улар ҳозир Арқамнинг уйдалар. Умар Ҳаббобга ўғирилди:

— Олдимга тушда, мени ўша ёққа бошла, — деди. Ҳабоб ўрнидан турди. Умар яна қиличини қинига солди, биргаликда йўлга тушишди.

\* \* \*

Арқамнинг уйида ташқарини кузатиб турган киши шошапиша ичкарига кирди. Умарни белида қиличи билан келаётганини кўрдим, деди. Юз ифодалар бир зум жиддий тус олди. Юракларни ҳаяжон тўлқини қоплади. Нигоҳлар саросимали эди.

— Умар яхши бир ният билан келаётган бўлса, марҳамат, кирсин. Акс ҳолда, уни ўзининг қиличи билан ўлдирамиз!

Жиддий овоз эди бу. Бошлар бу сўзларни айтган кишига томон ўғирилди: Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимизнинг амакилари Ҳамза ибн Абдулмутталиб эди гапирган. Набийи акрам (с.а.в.):

— Ичкарига таклиф қилинг, кирсин, — дедилар ва ўринларидан туриб кута бошладилар.

Умар кириб, ҳузури Набавийда тўхтади. Расулulloҳ (с.а.в.) унинг ёқасидан тутдилар:

— Эй Хаттобнинг ўгли, сен умрининг охиригача шунақа бўлиб қолаверасанми?! — дедилар.

Сўнгра муборак юзларини кўкларга каратиб, раҳмат илтижо қилувчи бир овоз билан:

— Оллоҳим, бу Хаттобнинг ўгли Умардир! Оллоҳим, Исломи динини Умар ибн Хаттоб билан қувватлангир! — деб ёлвордилар.

Ушбу воқеа гувоҳлари миқ этишмас, лекин энг самимий тилаклар билан ичларида чин юракдан «омин» дер эдилар.

Умар тиз чўкди. Шундай ҳолатда ҳам ўртача бир одам бўйи келадиган гавдали Умарнинг боягина учкун сачраб турган кўзлари энди Расулulloҳга (с.а.в.) қарашдан уялгандек ер чизар эди. Дағал овози ўта даражада юмшоқ оҳангга ўралиб чиқди:

— Мен бу ерга мусулмонликни қабул қилиш учун келдим. Оллоҳга ва Расулига имон келтираман.

Рисолат шоҳи Жанобимизнинг (с.а.в.) қалблари бир онда нашъага тўлди. Буюк Оллоҳ дуоларини қабул қилган, Умардек бир шахсиятни имон келтириш учун оёқлари тагига бошлаб келган эди. Баланд овозла: «Оллоҳу акбар!» деб хайқирдилар.

Фахрул Мурсалиннинг (с.а.в.) хурсандликларига бошқа мўминлар ҳам қўшилишди. Улар ҳам «Оллоҳу акбар!» деб қичқиришди. Макка кўчалари бу такбир овозларидан титрагудай бўлди. Буюк Умарнинг Исломига киришини Сарвари анбиё (с.а.в.) ва саҳобалар гўёки тўн отиш билан қаршилагандай бўлдилар.

Умарнинг юраги қаттиқликда тошларга ҳам дарс берар, ўткирликда гавҳарни ҳам йўнишга қодир эди. Шундай одам Фаҳри Олам найгамбаримизнинг дуолари ва раҳмат сувлари билан ноқланиб шаштидан қайтди. Йўлга буюк Пайгамбарни ўлдириш учун чиққан Умар шу онда Расулulloҳ (с.а.в.) қошларида имон келтириш учун тиз чўкди. Комил ишонч ила калимаи шаҳодатни сўзлади.

Бу ҳодиса мўминларга том маънода бир байрам бўлди. Ахир, шу кунгача номиёқ кўнларни зир титратиб келган ашаддий душмандан қутулиб, бутун борлиги билан мактаса арзигулик бир дўст қозонилган эди.

Дин у билан азиз бўлажак, қувват ва шараф тонажак эди. Расулulloҳ (с.а.в.) унинг мусулмон бўлиши учун даргоҳи аҳадийатга ёлвориб неча бор дуо қилган улуг инсон эди у. Кишилиқ тарихида унинг бу шарафига шериклаша оладиган иккинчи бир шахс бўлмаган ва бўлмас ҳам.

Ўша кунларда Умар ўттиз тўрт ёшлар чамаси бир наҳлавон йигит эди.

\* \* \*

Умар кетгач, жонини ҳовучлаб қолган Фотима бир неча соат ташвишга кўмилиб ўтирди. Ажабо, Расулulloҳ (с.а.в.) қаерда эканликларини айтиб хато қилмадиммикан, деб ўйлар, сўнгра акасининг бир сўзли мард йигит эканини эслаб, кўнглига таскин берар эди. Шу пайт қулоги олисдан такбир овозларини эшитди. Яқинлашган сари овозлар баландлашарди. Бир тўда одамлар «Оллоҳу акбар!» деб бақиришар, кўчалар ларзага келган эди.

Нималар бўлаётганини билиш учун ташқарига чиққанлар яқин атрофда эътиборга лойик ҳеч нимани кўрмай, уйларига қайтиб кириб кетдилар.

Кечга яқин Фотима акасининг мусулмон бўлганини эшитиб, севинчидан телба бўлиб қолаёзди.

Арқам ибн Абул Арқамнинг уйи ўша куни катта бир байрам севинчига тўлди. Буюк бир мўъжиза, хушхабар эди бу. Энди мусулмонлар забардаст Умар воситасида Оллоҳнинг ёрдамига сазовор бўлажак, хузурҳаловат топажаклар. Мусулмон бўлганидан бери жабрситамлар ичра чигнанган мўминларга, албатта, катта севинч бағишлаган эди бу ҳодиса.

Умар у ерда Расулulloҳ (с.а.в.) тилларидан Ислом динининг ҳукмларини тинглади. Пайгамбар (с.а.в.) донадона қилиб ганирар, ҳақдан ва ҳақиқатдан сўзлар, инсоннинг ақлига не даража бўлса, руҳиятига ва қалбига ҳам шу даража хитоб этар эдилар. Ҳар бир сўзлари Умарнинг ички дунёсини ноқлади, куфр ва ширкка тўла қалби имон ва Ислом нури ила йўғрилди.

— Ё Набийаллоҳ, биз ҳар жиҳатдан ҳақ ва чиндинга кирдик, шундай эмасми?

—Шундай.

—У ҳолда нима учун бу ерга яшириниб ўтирибмиз? Сизни ҳақ дин билан жўнатган Оллоҳга қасамлар бўлсинки, мени ҳамон мушрик деб билувчи ҳар мажлисга бориб мусулмонликка кирганимни очиқ айтаман!

Умар Расулulloҳ (с.а.в.) билан хайрлашиб, чиқиб кетди.

\* \* \*

Эртаси куни тонг сахарда Абу Жаҳлнинг эшиги тақиллади.

Умар ибн Хаттоб келди, деб хабар бердилар Абу Жаҳл ўрнидан сапчиб турди. Қизикарли бир хабар эшитишига ишончи комил эди.

Марҳамат қил, ё Умар, хуш келибсан, жиян дея қаршилади.

Мени ичкарига таклиф қиласан деб ўйламайман, ё Нимага энди, ё Умар? Эшигим сен учун ҳар доим Мен Оллоҳдан ўзга ҳеч бир илоҳ ва маъбуднинг иуқлигига ҳамда Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Оллоҳнинг бандаси ва расули эканига имон келтирдим. Сенга ушбу хушхабарни маълум қилиш учун келдим. Абу Жаҳлнинг тўсатдан авзойи ўзгарди

Ганларинг жиддийми, ё Умар?! деб дудуқланди. Миясига бир нарса каттиқ урилгандай бўлган эди Умар унга жавобан:

Ашҳаду алла ла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва росулуҳ, дейиш билан чекланди.

Абу Жаҳлнинг бир зумда қовоқтумшуги осилиб кетди.

Оллоҳ сенинг жазоингни берсин, келтирган хушхабаринг бошингдан қолсин! дедида, зарб билан эшикни унинг юзига ёнди.

Шу тариқа орада мавжуд бўлган қариндошлик ва дустлик алоқалари ҳам узилди. Йўллар ажралди. Абу Жаҳл газаб ва кин ҳирси билан уйига кириб кетди Умар хузур ва завқ ҳисси билан йўлида давом этди

Қули қиличиининг дастасида, ҳар он жанжал чиқиб қолса, отилишга ҳозир, кўзлари, ўткир нигоҳлари унга қараганларнинг юракларини тилканора қиладиган бу мард инсон, мўминларга зулм қилинаётир, деб эшитган ҳар бир куча, ҳар бир бурчакни заррача ҳам кўркмай айланиб чивди. Қайси мажлисга борса, қаерда бир тўн мушрикни учратса, ўша ерда тўхтади ва шаҳодат калималарини баланд овозларда айтди, сўнгра уларнинг бунга жавоан муносабатларини кутиб

турди

Умар кеча уни ўлдиришга касд қилган эдингку, ё Умар! деди бирови.

—Тўғри. Бироқ у ҳақ динни келтирганига ишондим ва мусулмон бўлдим.

—У ҳолда бундан буён биздан узоқ юр.

—Узоқ юрмасам нима бўлади?..

Бошқа киши бўлганида, бу саволига жавоб тайёр эди, аммо уни Умарга қарпш айтиш мушкул. Бундай пайтлари мушриклар жим бўлиб қолар, бошлари эгилар эди.

Хабар яшин тезлигида бутун Маккага тарқалди. У қаерга отланса, хали ўзи бормасидан унинг мусулмон бўлгани ҳақидаги хабар етиб борарди.

Ниҳоят гавжум бир жамоа қаршисида яиа шаҳодат калималарини келтирар экан, олдиндан тайёргарлик кўриб қўйганлар унинг устига ташландилар. Шиддатли бир тўнолон, урсур бошланди. Умар қаршисига ким келса, бир уришда йикитар, бир зарба билан сафдан чиқарар эди. Аммо бунча одамга қарши узоқ вақт бас келиши маҳол эди. Секинсекин маглубияти яқинлаша бошлади. Шунда бирдан:

— Нима ган, нима тўнолон?! — деган бир овоз эшитилди.

Бу Ос ибн Воилнииг овози эди.

— Умар динини ўзгартирибди, — дейишди унга.

— Ўзгартирса, сизнинг ишингиз нима? Одам чинюракдан истаб бошқа динга кирибди, хўш, нима бўнти?

Қани, тез тарқалинглари?

Бу сўзлар таъсирини кўрсатиб, жанжал тугади. Йигилганлар биринсин таркалишди.

Орадан бир неча кун ўтди.

— Ё Расулulloҳ, ташқарига чиқайлик, мушрикларга Исломнинг кудратини намойиш этайлик. Каъба ёнида намоз ўқийлик.

Пайгамбаримиз бу таклифга рози бўлдилар. Мусулмонлар икки қатор бўлиб тизилдилар. Бир сафнинг бошида Умар ибн Хаттоб, иккинчисининг бошида Хдмза ибн Абдулмутталиб, шаҳдам одимлар билан Каъба томон йўл олдилар.

Бундай вазиятга мушриклар илк бор рўбарў бўлаётган эдилар, шу бонс уларни ҳайрат ичида, ҳаяжон ила кузата бошлашди. Эшиқларидан мўралаб қараганлар шу кунгача эгик ҳолатда кўришга одатланган бошларни эиди типпстик ҳолда кўрди. Кўркув тўла боқишлар ўрнини завқли, хотиржам нигоҳлар эгаллаган эди.

Масжиди Ҳарамда тўхтадилар. Умар ўзларини қизиқиш ва адоват ила кузатаётганларга ўгирилиб, баланд овозда ҳайқирди:

— Шу ерда ибодат қиламиз, намоз ўқиймиз. Жони ширин бўлганлар биздан узоқ турсин. Болаларини етим, хотинларини бева қолдирмоқчи бўлганлар эса, бизга қарши чиқаверсин!..

Афзали анбиё (с.а.в.) имомликларида шу ерда намоз ўқилди. Ҳеч ким яқинлашишга журъат қилмади. Намоз тугагач, тарқалишди.

Мўминларнинг кўнглида байрам сурури. Шундай натижани неча йиллардан бери орзиқиб кутдилар. Яқин кунларда Ҳазрати Абу Бакрнинг қистови билан кўчага чиққанларида маглуб бўлган эдилар. Аммо бугун... Ҳеч қандай корҳол юз бермади, бир кимса лом-мим ҳам дея олмади.

Утба дейсизми, Валидми, Абу Суфёнми — ҳаммаҳаммалари бу сахнанинг томошабини бўлишдан нарига ўтолмадилар. Умарнинг нигоҳидан олов чакнатиб қилган таҳдидига жавобан: «Бекорларни айтибсан», дея олмадилар. Расулulloҳ (с.а.в.) «Ё Раб, бу динни Умар ибн Хаттоб ёки Амр ибн Хишом билан азиз қил», деб ўқиган дуоларининг илк меваси шу зайлда олинган эди. Мушриклар устидан қозонилган илк зафар эди бу.

Бир найтлар Абу Зарр мусулмон бўлгани ҳақида маиа шу масжидда жар солган, аммо бунинг эвазига роса дўнносганиб, Аббоснинг ёрдами билангина ўлимдан зўрга қутулган эди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд ушбу масжидда мушрикларни Қуръонни эшитишга мажбур этган, сўнгра у ҳам роса калтакланган эди.

Ҳазрати Абу Бакр хушидан кетгунча, бурни юзидан ажралмайдиган ҳолга келгунча мазкур масжидда дўппосланган эди.

Аммо Умарга қарши ҳеч ким лом-мим дея олмади. Буюк Пайгамбаримизнинг дуою илтижолари мана шу зайлда ўрнини топди, мусулмонлар илк бор эркин нафас олишга муваффақ бўлдилар. Бундан буён Умар Маккада яшар экан, кўлларини у ёқданбу ёққа соллаб бемалол юражак, бозорўчарга боражак, очикчасига намоз ўкиб, Қуръон тиловат қилажак эди, аммо Абу Жаҳл унга «ортиқ ҳаддингдан ошма» дейишта журъат қилолмасди.

## ЯККАМА-ЯККА ОЛИШУВ

Рукона ибн Язид бир куни Маккадан ташқарида айланиб юрганида Расулуллоҳни (с.а.в.) кўриб қолди.

«Бу қулай бир тасодифми ёки фожиаларнинг бошланишими?» деб ўйлади. Елгиз эди. Ёнида унга ёрдам берадиган ҳеч кими йўқ эди. Яккамайка олишиши ёки индамасдан ўз йўлида давом этиши мумкин эди. Аслида, бир неча кишини бирдан йикитишига Руконанинг ишончи комил эди. Аммо... кўкдаги ойни ҳам ҳукмига юргизган «сеҳргар»га бир нима қилиб бўлармиди?

—Эй Рукона, Оллоҳдан кўркмайсанми? Сени даъват қилаётганим ушбу динга кирмайсанми?

—Сенинг найгамбар бўлганингни билсам, сўзлаётганларинг рост эканига ишонсам, ҳеч иккиланмай қабул қилардим.

—Жуда соз, сен билан кураш тушиб, елкангни ерга ишқаласам, найгамбар эканимга ишонасанми?

Рукона муштумини тугди. Энди бундай таклифни рад этиб бўлмасди.

—Мен розиман.

—Хўн, у холда курашамиз.

Рукона фақат мана шу йўл билан ниятига эришиши мумкин эди. Ушбу қулай фурсатдан оқилона фойдаланса, мислсиз бир ишнинг уддасидан чиққан бўларди.

Бир-бирларининг елкаларидан тутдилар. Расули акрам (с.а.в.) уни бир силтагандаёқ йикитдилар, елкасини ерга ишқаладилар.

Рукона қаршилиқ кўрсатишга ҳам улгурмай қолди. Нима бўлганини ҳали англаб етмасдан, зўрга ўрнидан турди:

—Ё Муҳаммад, яна бир марта курашайлик, — деди. Бекорга бундай демаган эди у. Чунки рақибининг осонгина бундай бир натижага эришганини ҳатто тушида кўрса ҳам ишонмасди. Назарига илмади, аҳамият бермади ва шу бенарволигининг жазосини аччиқ маглубият билан тотди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бу таклифни қабул қилдилар. Рукона жуда ҳам суюниб кетди. Бу дафъа Расулуллоҳнинг елкаларидан қаттиқ ушлади ва албатта голиб бўлиш иштиёкида аёвсиз сикди. Аммо кўз очибюмгунча бўлмай, яна ерга йикилди. Ҳеч нарсани тушунмай қолди, қандай енгилганини ҳам фарқлай олмади. Шарманда бўлган эди. У ёқбу ёқларда кўпчиликнинг орасида: «Рукона билан кураш тушдим, бир эмас, кетмакет икки марта маглуб этдим», дейиши мумкин эдида. Энди Қурайш орасида кўкрак кериб юриш унга ҳаром бўлдимми?

— Яна бир курашсак, дейман, розимисан, эй амакимнинг ўгли?

Бу таклиф ҳам қабул қилинди. Учинчи марта елкалар туташиди. Рукона курашга бўрондек отилди. Қарори қатъий эди. Аммо бу ҳам ёрдам бермади, бир зумда яна ерга қулади. Ҳеч эътирозга ўрин йўқ бир ҳақиқат шундан иборат эдики, баҳайбат бир нолвон кичкина бир болани